

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБУБАКИРОВ АЗИЗЖАН БАЗАРБАЕВИЧ**

**ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛИ ЭЛЕКТР  
ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИ РЕАКТИВ ҚУВВАТИ  
БОШҚАРУВИНИНГ КЎП ФАЗАЛИ ТОКЛАРИ ДАТЧИКЛАРИНИНГ  
МОДЕЛЛАРИ ВА ТУЗИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

05.01.06- «Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимининг элементлари  
ва қурилмалари»

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Абубакиров Азизжан Базарбаевич**

Қайта тикланувчан энергия манбали электр таъминоти тизимлари реактив қуввати бошқарувининг кўп фазали тоқлари датчикларининг моделлари ва тузилиш тамойиллари..... 3

**Абубакиров Азизжан Базарбаевич**

Модели и принципы построение датчиков многофазных токов управления реактивной мощности системы электроснабжения с возобновляемыми источниками энергии..... 21

**Abubakirov Azizjan Bazarbaevich**

Models and principles of construction of sensors for multiphase currents reactive power control of renewable energy systems..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБУБАКИРОВ АЗИЗЖАН БАЗАРБАЕВИЧ**

**ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛИ ЭЛЕКТР  
ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИ РЕАКТИВ ҚУВВАТИ  
БОШҚАРУВИНИНГ КЎП ФАЗАЛИ ТОКЛАРИ ДАТЧИКЛАРИНИНГ  
МОДЕЛЛАРИ ВА ТУЗИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

05.01.06- «Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимининг элементлари  
ва қурилмалари»

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Т758 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) ларда жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Сиддиқов Илҳомжон Ҳақимович  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Абдуқаюмов Абдурашид  
техника фанлари доктори, профессор

Алиев Равшан Маратович  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг « 12 » 06 2020 йил соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu\_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 149 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси., 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «06» 06 кун тарқатилди.  
(2020 йил «06» 03 даги 5 рақамли реестр баённомаси)



**Н.Р. Юсупбеков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**У.Ф. Мамиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Х.З.Игамбердиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда электр энергия таъминоти тизимларида бирламчи энергия манбаларини қатъий ўрнатилган иш ҳолатини белгиловчи, катталиқ ва параметрларнинг қийматларини таъминловчи, назорат ва бошқарув элементлари, воситалари ҳамда қурилмаларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда ривожланган мамлакатларнинг электр таъминоти тизимларида қайта тикланувчан энергия манбаларининг назорати ва бошқаруви учун электр энергиянинг реактив қуввати катталиқ ва параметрлари бирламчи тоқлар датчикларининг моделларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланиб, уларнинг тузилиш тамойилларини ривожлантириш, тадқиқ этиш ва амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда электр таъминоти тизимларида қайта тикланувчан энергия манбаларини кенг қўллаш, ушбу манбаларнинг эҳтиёжи бўлган реактив қувват ва энергиясини ишлаб чиқариш, назорат қилиш ва бошқариш бўйича, шу билан бирга электр энергиясининг сифатини яхшиловчи ва электр таъминоти тизимини узлуксиз ишлашини таъминлаш воситалари ҳамда қурилмаларини такомиллаштиришга қаратилган қатор изланишлар ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада электр таъминоти тизимларининг ишончли иш ҳолатларини, ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг миқдори ва сифатини ҳамда реактив қувват манбалари бирламчи тоқларини назорат ва бошқарувини таъминловчи элементлар ҳамда қурилмаларни модели, алгоритми ва дастурий таъминотларининг техник ечимларини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда электр энергетика соҳасини янада такомиллаштиришга, электр энергия таъминоти тизимларида қайта тикланувчан энергия манбаларини кенг қўллаш ва энергиянинг сифат кўрсаткичларини назорати ва бошқаруви элемент ҳамда қурилмаларини яратиш ва амалиётга қўллашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ... ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни бажаришда, жумладан қайта тикланувчан энергия манбали электр энергия таъминоти тизимлари асосида электр энергия билан таъминлашда реактив қувват ва энергияни бошқаришнинг аниқлиқ, тезкорлик, ишончлилик кўрсаткичларини таъминлаш талаб қилинади. Шу билан бирга назорат ва бошқарув маълумотини етказиб берувчи бирламчи датчикларнинг ишлаш тамойиллари, алгоритмлари, дастурий таъминоти ва воситаларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февридаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги ЎРҚ-539-сон «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ва 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурслар тежамкорлиги» ва IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда қайта тикланувчан энергия манбали электр таъминот тизимлари реактив қувват манбаларининг кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш жараёнларини тадқиқ этиш, уларнинг тузилиш ва қўлланилиш тамойилларини ривожлантириш, электр энергия сифат кўрсаткичларини бошқарувида қўлланилаётган ўзгартириш бирламчи датчиклари асосида энергия таъминоти муаммоларининг самарали, сифатли ва ишончли ечимини топиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Кўрилаётган йўналишдаги тадқиқотларга М.Ф.Зарипов, Н.Schaumburg, Л.Ф.Куликовский, Н.Е.Конюхов, Е.С.Левщина, В.П.Миловзоров, П.В.Новицкий, Л.А.Островский, Е.П.Осадчий, А.А.Преображенский, И.Ю.Петрова, М.А.Ураксеев ва бошқа таниқли хорижий олимларнинг илмий ишлари бағишланган. Шунингдек, ушбу йўналишдаги илмий муаммони тадқиқ қилиш ва ўрганиш масалаларига республикамизнинг таниқли олимлари А.А.Абдуқаюмов, Р.К.Азимов, К.Р.Аллаев, С.Ф.Амиров, Х.З.Игамбердиев, П.Р.Исматуллаев, И.Х.Сиддиков, А.А.Халиков, Ю.Г.Шипулин, Н.Р.Юсупбеков ва бошқаларнинг илмий ишлари қаратилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, қайта тикланувчан энергия манбали электр таъминоти тизимларининг реактив қувват кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланиш кўринишидаги сигналга ўзгартириш датчикларини тадқиқ этишда замонавий техника ва технологияларни комплекс қўллаш, назорат ва бошқарув қурилмалари ҳамда улардаги жараёнларни моделлаштириш, алгоритмлаш ва тадқиқ этиш масалалари етарли даражада кўриб чиқилмаган. Шу билан бирга қайта тикланувчан энергия манбалари имкониятини аниқлаш, назорат ва бошқариш қурилмаларини тузилмавий ва параметрик тадқиқ этиш, электр энергия сифат кўрсаткичларини белгиловчи реактив қувватнинг назорати ва бошқаруви датчиги ҳамда қурилмаларининг замонавий тузилиш тамойилларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети илмий тадқиқот режасининг 574049-ЕРР-1-2016-1-ИТ-ЕРРКА2-СВНЕ-ЖР «Modernization of the Curricula in sphere of smart building engineering - Green Building (GREB)» (2016-2019) ҳамда 7/18- сонли пудрат шартномаси «Мустақил энергия манбали бинонинг электр таъминоти бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2018-2019) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Қайта тикланувчан энергия манбали электр таъминот тизимлари реактив қуввати назорати ва бошқарувининг кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчигининг модели ва тузилиш тамойилини ишлаб чиқиш ҳамда тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қайта тикланувчан энергия манбали электр энергия таъминоти тизимининг реактив қувват тоқларини назорат ва бошқарув датчикларини таҳлил қилиш ҳамда уларга қўйиладиган асосий талабларни шакллантириш;

электр энергия реактив қуввати бирламчи тоқларининг ўзгартириш датчиклари тузилиш тамойиллари ва физик-техник эффектларини қиёсий тадқиқ қилиш;

реактив қувват манбалари кўп фазали бирламчи тоқларини назорат ва бошқаруви датчикларининг турини танлаш ва асослаш;

кўп фазали бирламчи тоқлар ҳосил қилган магнит оқимларнинг ўзаро таъсирлари асосида чиқишда иккиламчи кучланиш кўринишидаги сигнал билан таъминловчи датчикнинг моделини яратиш;

кўп фазали бирламчи тоқларни назорати ва бошқаруви датчикларининг тузилмавий ва параметрик тадқиқот алгоритмининг яратиш;

электр тоқларни назорат ва бошқарув датчигининг ишончлилиги ҳамда иш ҳолати кўрсаткичларини тадқиқ қилиш модели, тадқиқот алгоритмининг яратиш ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

реактив қувват манбаларининг кўп фазали бирламчи тоқларини назорат ва бошқаруви датчикларининг асосий тавсифларини йиғилган ва тарқалган параметрли моделлар асосида тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қайта тикланувчан энергия манбали электр энергия таъминоти тизимлари реактив қувват манбаларини кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартирувчи назорат ва бошқарув датчиги ва унинг модели олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** қайта тикланувчан энергия манбали электр таъминот тизимлари реактив қуввати кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланиш кўринишидаги чиқиш сигналига ўзгартириш датчигида кечаётган жараёнлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида электр ва магнит занжирларини йиғилган ва тарқалган параметрли электр ва магнит занжирларни катталиқ ва параметрларини ҳисоблаш ва тадқиқ этиш, графлар ва сигналлар ҳосил қилиш ҳамда узатиш назарияси ва маълумотларга рақамли ишлов бериш, сигнал ҳосил қилиш жараёнларини моделлаштириш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қайта тикланувчан энергия манбали электр энергия таъминоти тизими реактив қуввати бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчикларининг йиғилган ва тарқалган параметрли моделлари яратилган;

магнит оқимлари ўзаро таъсирлашувчи бирламчи тоқларни иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчикларининг магнит ўзагини тузилиш тамойили ишлаб чиқилган;

кўп фазали бирламчи тоқларни иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчикларининг физик-техник эффектлари, ишончилиги ва иш ҳолати кўрсаткичлари моделлари яратилган;

электр энергия таъминот тизимларида реактив қувватнинг самарадорлигини баҳолашнинг Cloud Computing модели ва тадқиқот алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қайта тикланувчан энергия манбали электр энергия таъминоти тизимлари реактив қувват манбаларининг кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчиги электромагнит бўлагининг тузилмаси ишлаб чиқилган ва датчикнинг қўлланиши соҳаси белгиланган;

қайта тикланувчан энергия манбали электр энергия таъминот тизимлари талабларига мос келувчи ва тизим реактив қувватини самарадорлигини назорат ва бошқаришнинг Cloud Computing модели асосидаги тадқиқот дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги реактив қувват манбалари кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчигининг йиғилган ва тарқалган параметрли моделлари ва статик ҳамда динамик тавсифлари умум қабул қилинган мезонлар ҳамда олинган назарий ва амалий натижаларни қиёсий солиштириш асосида изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қайта тикланувчан энергия манбали электр энергия таъминот тизимлари реактив қувватининг назорати ва ишлаб чиқариш бошқарувини истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш тамойили, назорат ва бошқарув датчигида кечаётган жараёнлар ҳамда датчикнинг тузилиш тамойилининг граф ва аналитик моделлари, тадқиқот алгоритмларини яратилганлиги ҳамда электр энергия реактив қувватининг кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчиги чиқиш сигналининг меъёрланганлиги, чизиқлиги ва руҳсат берилган аниқлигини таъминланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти реактив қувват кўп фазали бирламчи тоқларни иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчиги орқали электр энергия таъминот тизимида назорат ва бошқарув сифатининг оширилиши имкониятини кенгайтирилганлиги, энергия ресурслар тежамкорлиги, меъёрланган чиқиш сигнални таъминланганлиги ва физик моделни ишлаб чиқилганлиги ҳамда амалиётга қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қайта тикланувчан энергия манбали электр энергия таъминоти тизимлари реактив қуввати бошқарувининг кўп фазали бирламчи тоқлари датчикларининг моделлари ва тузилиш тамойиллари бўйича олинган натижалари асосида:

қайта тикланувчан энергия манбали электр энергия таъминоти тизими реактив қуввати бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчикларининг йиғилган ва тарқалган параметрли моделлари «Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖга жорий этилган («Энергетика» вазирлигининг 2019 йил 20 декабрдаги 05-10-4723-сон маълумотномаси). Натижада электр таъминоти тизими реактив қувват манбалари - косинусли конденсаторларининг чиқиш катталикларидан бўлган бирламчи реактив тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш тузилмалари электр энергия таъминоти тизимлари самарадорлигини белгилловчи кучланишга мос реактив қувватни ишлаб чиқариш имконини берган;

магнит оқимлари ўзаро таъсирлашувчи бирламчи тоқларни иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчикларининг магнит ўзагини тузилиш тамойили ва ушбу датчикларнинг физик-техник эффектлари, ишончлилиги ва иш ҳолати кўрсаткичлари моделлари «Тахиатош иссиқлик электрстанцияси» АЖга жорий этилган («Энергетика» вазирлигининг 2019 йил 20 декабрдаги 05-10-4723-сон маълумотномаси). Натижада реактив қувват манбаларини ростлаш, ишлаб чиқарилаётган қувват ва энергиянинг йўқолишини камайтириш ҳамда энергия самарадорлигини рухсат берилган аниқликда таъминлаш имконини берган;

электр энергия таъминот тизимларида реактив қувватнинг самарадорлигини баҳолашнинг Cloud Computing модели ва тадқиқот алгоритми «Тахиатош иссиқлик электрстанцияси» АЖ ҳамда «Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖларга жорий этилган («Энергетика» вазирлигининг 2019 йил 20 декабрдаги 05-10-4723-сон маълумотномаси). Натижада реал вақт мобайнида электр энергия исътемоқчилари исътемоқ қилаётган реактив қувват, энергия ва уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш, реактив қуввати кўп фазали бирламчи тоқларининг назорат ва бошқарув датчиги аниқлигини 1,8 % га ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган, ҳамда 3 та ЭҲМ учун дастурий махсулотларга гувоҳномалар рўйхатга олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетдан иборат бўлиб, 40 та расм ва 4 та жадвал келтирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Қайта тикланувчан энергия манбали электр таъминоти тизимларида реактив қувватни бошқариш қурилмалари ва усуллари таҳлили»** деб номланган биринчи бобида қайта тикланувчан энергия манбали электр энергия таъминоти тизимларида актив ва реактив қувват ҳамда энергияни ишлаб чиқариш ва бошқариш, кўп фазали бирламчи тоқларни иккиламчи кучланишга ўзгартириш тамойиллари, назорат ва бошқаришни сигнал билан таъминловчи датчиклар, кўп фазали бирламчи тоқларни иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчигининг тузилиш асослари, диссертация иши мақсади ва вазифалари келтирилган.

Ҳозирги вақтда янги турдаги қайта тикланувчан энергия манбалари (ҚТЭМ) электр энергия таъминоти тизимларида (ЭТТ) амалиётга кенг жорий этилаётган бўлиб, бунда электр энергияни ҳосил қилиш ва ўзгартириш жараёнларига, энергия манбалари ишлаб чиқараётган электр катталикларни замонавий ўзгартириш бирламчи датчиклари, воситалари ва қурилмалари орқали назорат ва бошқаришни тезкор ва сифатли амалга оширилишига катта аҳамият берилмоқда. Таҳлиллар кўрсатдики, ҚТЭМли ЭТТлар электр энергия қувватини сифатли ва ишончли бошқарув ва назорат сигналлари билан таъминлайдиган бирламчи датчик ва қурилмаларни ўзи ичига олади.

Назорат ва бошқарув тизимларини, ўлчов асбоблари ва қурилмаларини сигнал билан таъминлаш бўйича таркибий қисм ҳисобланган датчиклар электр энергия таъминоти манбаларининг ишлаш узлуксизлигини, ишончилигини, материаллар сарфини ва бошқа қатор техник иқтисодий ва самарадорлик кўрсаткичларини белгилайди. Адабиётлар таҳлили ва материалларни умумлаштириш ҳамда кўрилаётган муаммоларнинг ўрганилиш даражасини таҳлил қилиш асосида диссертация тадқиқотининг аниқлаштирилган асосий мақсад ва вазифалари аниқланди.

Бунда назорат ва бошқаришнинг сигнал датчиклари муҳим восита бўлиб, у ЭТТ кучланишининг етарли реактив қувватини ишлаб чиқишини таъминлаш асосида қувват бўйича ўзаро синхронлашни таъминлайди, бу қурилмалар энергия таъминотини реактив энергия ва қувватини узлуксиз равишда ЭТТ тармоғига ўтказишни таъминлашга имкон беради.

ҚТЭМли ЭТТнинг реактив қувват манбалари самарадорлигини Cloud Computing технологияси бўйича ва кўп фазали бирламчи тоқлар датчикларини ўрнатилиш ҳамда уланиш схемаси 1-расмда келтирилган.



1-расм. ҚТЭМли ЭТТнинг реактив қувват манбалари самарадорлигини Cloud Computing технологияси бўйича ва кўп фазали бирламчи тоқлар датчикларини ўрнатилиш ҳамда улаиш схемаси.

Диссертациянинг «Қайта тикланувчан энергия манбали электр энергия таъминоти реактив қувватининг кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш жараёнини ва датчигини моделлаштириш» деб номланган иккинчи бобида реактив қувват манбалари бирламчи қувват ва энергиясининг кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш жараёни, ўзгартириш бўлақларини моделлари ва тадқиқот алгоритми, жараёнида иштирок этувчи ва бирламчи тоқларни иккиламчи кучланиш кўринишидаги сигналга ўзгартириш тамойилларининг физик-техник эффектларини моделлари келтирилган.

ҚТЭМли ЭТТларда реактив қувват ва энергияни ишлаб чиқариш ҳамда ўзгартиришда манбаларнинг бирламчи электр тоқларини номиналлигида иккиламчи меёрланган кучланиш (20 В) ва ток (0,1 А) кўринишидаги чиқиш сигналга ўзгартириш жараёни ва ушбу жараёнда иштирок этаётган датчикни тузилишини моделлаштириш ва тадқиқ қилишнинг юқори формалашган ва яққолликни таъминловчи граф моделлари, реактив қувват манбалари томонидан ишлаб чиқилган  $I_{A\gamma}, I_{B\gamma}, I_{C\gamma}, I_{A\Delta}, I_{B\Delta}, I_{C\Delta}$  кўп фазали реактив тоқлар ҳосил қилган магнит оқимлар магнит ўзақларда, ҳаво оралик ва стерженларда  $F_{\mu}$ - магнит юритувчи кучлар (м.ю.к.), улар ҳосил қилган сезиш элементларини кесиб ўтувчи  $\Phi_{\mu}$  - магнит оқимлар асосида бирламчи тоқларни  $U_{Эчик}$  – иккиламчи кучланишларига ўзгартириш жараёни ва датчик ўзгартириш тузилмаси модели 2-расм кўринишда шакллантирилади.

Кўп фазали бирламчи тоқларни иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчигининг магнит ўзагида м.ю.к.лар -  $F_{\mu}$  ва магнит оқимлари -  $\Phi_{\mu}$  ҳосил қилинади. Магнит оқимларининг ўзаро таъсирлашувчи муносабатлари тугунлар м.ю.к.ларига боғлиқ равишда қуйидагича ифодаланади:

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{F_{\mu 11}-F_{\mu 12}}{\Pi_{\mu 11}} + \frac{F_{\mu 11}-F_{\mu 21}}{\Pi_{\mu 11}} = K_{I \Delta F \mu} I_{A \gamma} \\ \frac{F_{\mu 21}-F_{\mu 11}}{\Pi_{\mu 11}} + \frac{F_{\mu 21}-F_{\mu 22}}{\Pi_{\mu 21}} + \frac{F_{\mu 21}-F_{\mu 31}}{\Pi_{\mu 21}} = K_{I \Delta F \mu} I_{B \gamma} \\ \frac{F_{\mu 31}-F_{\mu 21}}{\Pi_{\mu 21}} + \frac{F_{\mu 31}-F_{\mu 32}}{\Pi_{\mu 31}} + \frac{F_{\mu 31}-F_{\mu 41}}{\Pi_{\mu 31}} = K_{I \Delta F \mu} I_{C \gamma} \\ \frac{F_{\mu 41}-F_{\mu 31}}{\Pi_{\mu 31}} + \frac{F_{\mu 41}-F_{\mu 42}}{\Pi_{\mu 41}} + \frac{F_{\mu 41}-F_{\mu 51}}{\Pi_{\mu 41}} = K_{I \Delta F \mu} I_{A \Delta} \\ \frac{F_{\mu 51}-F_{\mu 41}}{\Pi_{\mu 41}} + \frac{F_{\mu 51}-F_{\mu 52}}{\Pi_{\mu 51}} + \frac{F_{\mu 51}-F_{\mu 61}}{\Pi_{\mu 51}} = K_{I \Delta F \mu} I_{B \Delta} \\ \frac{F_{\mu 61}-F_{\mu 51}}{\Pi_{\mu 51}} + \frac{F_{\mu 61}-F_{\mu 62}}{\Pi_{\mu 61}} = K_{I \Delta F \mu} I_{C \Delta} \end{array} \right. \quad (1)$$

$I_{A \gamma}$	$K_{I \Delta F \mu}$	$F_{\mu 11}$	$\Pi_{11}$	$F_{\mu 12}$	$\Pi_{12}$	$F_{\mu 13}$	$\Pi_{13}$	$F_{\mu 14}$	$\Pi_{\mu 1}$	$\Phi_{\mu 11}$	$K_{\Phi \mu U \Delta}$	$U_{\text{Эчик1}}$
		ПО <sub>11</sub>	ПО <sub>12</sub>	ПО <sub>13</sub>	ПО <sub>14</sub>							
$I_{B \gamma}$	$K_{I \Delta F \mu}$	$F_{\mu 21}$	$\Pi_{21}$	$F_{\mu 22}$	$\Pi_{22}$	$F_{\mu 23}$	$\Pi_{23}$	$F_{\mu 24}$	$\Pi_{\mu 2}$	$\Phi_{\mu 21}$	$K_{\Phi \mu U \Delta}$	$U_{\text{Эчик2}}$
		ПО <sub>21</sub>	ПО <sub>22</sub>	ПО <sub>23</sub>	ПО <sub>24</sub>							
$I_{C \gamma}$	$K_{I \Delta F \mu}$	$F_{\mu 31}$	$\Pi_{31}$	$F_{\mu 32}$	$\Pi_{32}$	$F_{\mu 33}$	$\Pi_{33}$	$F_{\mu 34}$	$\Pi_{\mu 3}$	$\Phi_{\mu 31}$	$K_{\Phi \mu U \Delta}$	$U_{\text{Эчик3}}$
		ПО <sub>31</sub>	ПО <sub>32</sub>	ПО <sub>33</sub>	ПО <sub>34</sub>							
$I_{A \Delta}$	$K_{I \Delta F \mu}$	$F_{\mu 41}$	$\Pi_{41}$	$F_{\mu 42}$	$\Pi_{42}$	$F_{\mu 43}$	$\Pi_{43}$	$F_{\mu 44}$	$\Pi_{\mu 4}$	$\Phi_{\mu 41}$	$K_{\Phi \mu U \Delta}$	$U_{\text{Эчик4}}$
		ПО <sub>41</sub>	ПО <sub>42</sub>	ПО <sub>43</sub>	ПО <sub>44</sub>							
$I_{B \Delta}$	$K_{I \Delta F \mu}$	$F_{\mu 51}$	$\Pi_{51}$	$F_{\mu 52}$	$\Pi_{52}$	$F_{\mu 53}$	$\Pi_{53}$	$F_{\mu 54}$	$\Pi_{\mu 5}$	$\Phi_{\mu 51}$	$K_{\Phi \mu U \Delta}$	$U_{\text{Эчик5}}$
		ПО <sub>51</sub>	ПО <sub>52</sub>	ПО <sub>53</sub>	ПО <sub>54</sub>							
$I_{C \Delta}$	$K_{I \Delta F \mu}$	$F_{\mu 61}$	$\Pi_{61}$	$F_{\mu 62}$	$\Pi_{62}$	$F_{\mu 63}$	$\Pi_{63}$	$F_{\mu 64}$	$\Pi_{\mu 6}$	$\Phi_{\mu 61}$	$K_{\Phi \mu U \Delta}$	$U_{\text{Эчик6}}$
		ПО <sub>61</sub>	ПО <sub>62</sub>	ПО <sub>63</sub>	ПО <sub>64</sub>							

2-расм. Кўп фазали бирламчи тоқларни иккиламчи кучланишга ўзгартириш жараёни ва датчик ўзгартириш бўлаги модели.

Датчикнинг иккиламчи чиқиш кучланишларини кўп фазали бирламчи электр тоқларнинг ўзаро таъсирлашувчи магнит оқимлари  $\Phi_{\mu}=f(I_{\Delta})$  асосида танланган ўзгарган сигнал ўзгартириш дивазонида чизиқли боғлиқлигини таъминлаш, магнит оқимларнинг ҳаво оралиғи ўлчамлари билан характерланишини тавсифлаш олиб борилган тадқиқотларнинг асосий хулосаларини белгилайди.

Диссертациянинг «Кўп фазали тоқларни кучланишга ўзгартириш датчигининг асосий тавсифлари» деб номланган учинчи бобида ҚТЭМли ЭТТнинг реактив қуввати кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчикларининг статик, динамик ва метрологик тавсифлари ҳамда датчикларнинг ишончилиги ва иш ҳолати кўрсаткичларини тадқиқотлари натижалари келтирилган.


ҚТЭМли ЭТТнинг реактив қувватини кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланиш кўринишидаги сигналга ўзгартириш датчикларининг статик, динамик ва метрологик тавсифлари тарқалган параметрли граф модели (2-расм) асосида қуйидаги аналитик ифодалар билан тадқиқ этилади:

$$\left\{ \begin{array}{l} U_{ay} = K_{\Phi\mu U_{\Delta}} \Pi_{\mu 1} (W(F_{\mu 11}, F_{\mu 14}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Ay} + W(F_{\mu 21}, F_{\mu 14}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{By} + \\ + W(F_{\mu 31}, F_{\mu 14}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Cy} + W(F_{\mu 41}, F_{\mu 14}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Ad} + \\ + W(F_{\mu 51}, F_{\mu 14}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Bd} + W(F_{\mu 61}, F_{\mu 14}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Cd}); \\ U_{by} = K_{\Phi\mu U_{\Delta}} \Pi_{\mu 2} (W(F_{\mu 21}, F_{\mu 24}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{By} + W(F_{\mu 11}, F_{\mu 24}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Ay} + \\ + W(F_{\mu 31}, F_{\mu 24}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Cy} + W(F_{\mu 41}, F_{\mu 24}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Ad} + \\ + W(F_{\mu 51}, F_{\mu 24}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Bd} + W(F_{\mu 61}, F_{\mu 24}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Cd}); \\ U_{cy} = K_{\Phi\mu U_{\Delta}} \Pi_{\mu 2} (W(F_{\mu 31}, F_{\mu 34}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Cy} + W(F_{\mu 11}, F_{\mu 34}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Ay} + \\ + W(F_{\mu 21}, F_{\mu 34}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{By} + W(F_{\mu 41}, F_{\mu 34}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Ad} + \\ + W(F_{\mu 51}, F_{\mu 34}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Bd} + W(F_{\mu 61}, F_{\mu 34}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Cd}); \\ U_{ad} = K_{\Phi\mu U_{\Delta}} \Pi_{\mu 2} (W(F_{\mu 41}, F_{\mu 44}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Ad} + W(F_{\mu 11}, F_{\mu 44}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Ay} + \\ + W(F_{\mu 21}, F_{\mu 44}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{By} + W(F_{\mu 31}, F_{\mu 44}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Cy} + \\ + W(F_{\mu 51}, F_{\mu 44}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Bd} + W(F_{\mu 61}, F_{\mu 44}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Cd}); \\ U_{bd} = K_{\Phi\mu U_{\Delta}} \Pi_{\mu 5} (W(F_{\mu 51}, F_{\mu 54}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Bd} + W(F_{\mu 11}, F_{\mu 54}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Ay} + \\ + W(F_{\mu 21}, F_{\mu 54}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{By} + W(F_{\mu 31}, F_{\mu 54}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Cy} + \\ + W(F_{\mu 41}, F_{\mu 54}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Ad} + W(F_{\mu 61}, F_{\mu 54}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Cd}); \\ U_{cd} = K_{\Phi\mu U_{\Delta}} \Pi_{\mu 5} (W(F_{\mu 61}, F_{\mu 64}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Cd} + W(F_{\mu 11}, F_{\mu 64}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Ay} + \\ + W(F_{\mu 21}, F_{\mu 64}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{By} + W(F_{\mu 31}, F_{\mu 64}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Cy} + \\ + W(F_{\mu 41}, F_{\mu 64}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Ad} + W(F_{\mu 51}, F_{\mu 64}) K_{I_{\Delta} F_{\mu}} I_{Bd}); \end{array} \right. \quad (2)$$

бу ерда  $K_{\Phi\mu U_{\Delta}} = \omega_{2\chi}$  —ўзаро таъсирлашувчи магнит оқимлар —  $\Phi_{\mu}$  ва чиқиш электр кучланишлари  $U_{\Delta\chi}$  орасидаги занжирлараро боғлиқлик коэффициентлари бунда кўп фазали бирламчи тоқларнинг номинал қийматларида чиқиш


кучланишини ва токи меёрланган (20 В ва 0,1 А) бўлиши асосида иккиламчи чулғам ўрамлар сони  $\omega_{2ч}=1\div 20$  ўрамгача бўлган қийматларни қабул қилади.

ҚТЭМли ЭТТ реактив қуввати  $I_{Ay}, I_{By}, I_{Cy}, I_{A\Delta}, I_{B\Delta}, I_{C\Delta}$  –кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчигини магнит ўзгартириш бўлаклари 3 – расмда келтирилган.




3-расм. ҚТЭМ ЭТТ РК  $I_{Ay}, I_{By}, I_{Cy}, I_{A\Delta}, I_{B\Delta}, I_{C\Delta}$ - кўп фазали бирламчи тоқларни иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчигининг магнит ўзгартириш бўлаклари: а) горизонтал бўлакли тузилма; б) параллел бўлакли тузилма.

Датчикнинг ҚТЭМли ЭТТ электр энергия узатиш тармоғи реактив қувватлари бир фазаси бирламчи тоқлари ва датчик чиқиш кучланиши орасидаги боғлиқликлар ва ҳаво оралиғининг геометрик ўлчамларини кириш тоқининг турли қийматларида чиқиш кучланишига таъсири статик тавсифлари 4 ва 5 -расмларда келтирилган.



4-расм. Бирламчи ток ва чиқиш кучланиши орасидаги боғлиқликнинг статик тавсифлари (реактив қувват манбаси юлдуз - у шаклда уланган).  $U'_{ay}$  - йиғилган параметрли модел,  $U''_{ay}$  - тарқалган параметрли модел асосида олинган чиқиш кучланишининг мтқдорлари.




5-расм. Ҳаво оралиғи геометрик ўлчамлари ва бирламчи тоқларнинг чиқиш кучланишига таъсири.

ҚТЭМли ЭТТнинг реактив қувват манбаларини юлдузсимон -  $\gamma$  ва учбурчаксимон -  $\Delta$  уланиш схемалари асосида шакллантирилган тадқиқот моделининг аналитик ифодалари қуйидаги кўринишга эга:

$$\left\{ \begin{array}{l} U_{A\gamma} = K_{\Phi\mu U_3} \Pi_{\mu 1} W(F_{\mu 11}, F_{\mu 14}) K_{I_3 F \mu} (I_{A\gamma} \sin \omega t + I_{A\mu} e^{-\frac{t}{T}}); \\ U_{B\gamma} = K_{\Phi\mu U_3} \Pi_{\mu 2} W(F_{\mu 21}, F_{\mu 24}) K_{I_3 F \mu} (I_{B\gamma} (\sin \omega t + 120^\circ) + I_{B\mu} e^{-\frac{t}{T}}); \\ U_{C\gamma} = K_{\Phi\mu U_3} \Pi_{\mu 3} W(F_{\mu 31}, F_{\mu 34}) K_{I_3 F \mu} (I_{C\gamma} (\sin \omega t - 120^\circ) + I_{C\mu} e^{-\frac{t}{T}}); \\ U_{A\Delta} = K_{\Phi\mu U_3} \Pi_{\mu 4} W(F_{\mu 41}, F_{\mu 44}) K_{I_3 F \mu} (I_{A\Delta} \sin(\omega t) + I_{A\mu} e^{-\frac{t}{T}}); \\ U_{B\Delta} = K_{\Phi\mu U_3} \Pi_{\mu 5} W(F_{\mu 51}, F_{\mu 54}) K_{I_3 F \mu} (I_{B\Delta} (\sin \omega t + 120^\circ) + I_{B\mu} e^{-\frac{t}{T}}); \\ U_{C\Delta} = K_{\Phi\mu U_3} \Pi_{\mu 6} W(F_{\mu 61}, F_{\mu 64}) K_{I_3 F \mu} (I_{C\Delta} (\sin \omega t - 120^\circ) + I_{C\mu} e^{-\frac{t}{T}}); \end{array} \right. \quad (3)$$

ҚТЭМли ЭТТ электр энергия узатиш тармоғининг инерционлиги  $t = 0,04$  бўлган ҳол учун датчикнинг кўп фазали бирламчи токлари ва чиқиш кучланишлари орасидаги боғлиқликнинг динамик тавсифлари шакллантирилган аналитик ифодалар (3) асосида олиб борилган тадқиқотлар натижалари график кўриниши 6 - расмда келтирилган:



6-расм. ҚТЭМли ЭТТ электр энергия узатиш тармоғининг инерционлиги  $t = 0,04$  сония бўлган ҳол учун кўп фазали бирламчи тоklar ва чиқиш кучланишлари орасидаги боғлиқликнинг динамик тавсифлари:

а) реактив қувват манбаси юлдузсимон -  $\gamma$  уланган, б) реактив қувват манбаси учбурчаксимон -  $\Delta$  уланган.

Динамик жараёнларни кўп фазали бирламчи тоklar, ўзаро таъсирлашувчи магнит оқимлар ва чиқиш кучланишларининг катталиклари ва параметрларига боғлиқ ҳолда ўзгариши натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, ҚТЭМли ЭТТ реактив қувват манбалари бирламчи токлари электр энергия узатиш тармоқларига улангандан 0,015 - 0,025 секунд ўтгандан кейин датчикнинг чиқишидаги иккиламчи кучланишларининг миқдорлари – чиқиш сигналлари турғун қийматга эришади (6- расм).

ҚТЭМли ЭТТ реактив қувват манбаларининг юлдузсимон -  $\gamma$  ва учбурчаксимон -  $\Delta$  уланган схемалардаги токи –  $I_{A\gamma}$  ва чиқиш кучланишлари -  $U'_{a\gamma}, U''_{a\gamma}$  миқдорлари асосида датчикнинг ўзгартириш хатоликлари

ҳисобланади:

$$\Delta = \frac{I_{Ay} = 76 \text{ A}; \quad U'_{ay} = 20 \text{ B}; \quad U''_{ay} = 20,37 \text{ B};}{(U''_{ay} - U'_{ay}) * 100\% = \frac{(20,37 - 20)}{20} * 100\% = 1,81\% ;}$$

$$\Delta = \frac{I_{a\Delta} = 131,5; \quad U'_{a\Delta} = 20; \quad U''_{a\Delta} = 20,369;}{(U''_{a\Delta} - U'_{a\Delta}) * 100\% = \frac{(20,369 - 20)}{20} * 100\% = 1,8\% ;}$$

Датчик хатоликлари бўйича тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, реактив қувват манбаларининг юлдузсимон - Y уланиш тавсифлари манбаларни учбурчаксимон - Δ уланиш тавсифларига адекват бўлиб, бу ҳолат яратилган датчик тузилиши чизиқли тавсифлар талабларини қаноатлантириш билан бирга аниқликни 1,8% га оширишни таъминланган.

ҚТЭМли ЭТТ реактив қувват манбаларининг кўп фазали бирламчи тоқларини кучланишга ўзгартириш электромагнит датчигининг сигнал ўзгартириш тамойилини таҳлили сигнал ўзгартириш бўлақларининг ишончилигини аниқлаш имконини беради ва ушбу асосда ишончилиқнинг ташкил этувчиларини мумкин бўлган ҳолатлари тузилади. ҚТЭМли ЭТТ реактив қувват манбаларининг кўп фазали бирламчи тоқларини иккпламчи кучланишга ўзгартириш электромагнит датчигининг асосий ўзгартириш бўлақларининг (бирламчи ўрам, магнит ўзак, сезиш бўлаги ва стержень) иш ҳолатда бўлиш эҳтимоллари мос равишда қуйидагича қабул қилинган:

$$P_1 = 0.99; \quad P_2 = 0.99; \quad P_3 = 0.99; \quad P_4 = 0,99.$$

Датчик бўлақларининг барча мумкин бўлган иш ҳолатларининг эҳтимоллигини умумлаштирилиб, датчикнинг умумий ишончли ишлаш эҳтимоллиги қуйидагича ҳисобланади:

$$P = P_1 P_2 P_3 P_4 - P_1 P_2 P_3 (1 - P_4) - P_1 P_2 P_4 (1 - P_3) - P_1 P_3 P_4 (1 - P_2) - P_2 P_3 P_4 (1 - P_1) - P_1 P_2 (1 - P_3) (1 - P_4) - P_2 P_3 (1 - P_1) (1 - P_4) - P_3 P_4 (1 - P_1) (1 - P_2) - P_1 P_4 (1 - P_2) (1 - P_3) - P_1 (1 - P_2) (1 - P_3) (1 - P_4) - P_2 (1 - P_1) (1 - P_3) (1 - P_4) - P_3 (1 - P_1) (1 - P_2) (1 - P_4) - P_4 (1 - P_1) (1 - P_2) (1 - P_3) = 0,92$$

Ушбу миқдор асосида хулоса қилиш мумкинки, ҚТЭМли ЭТТ реактив қувват манбаларининг кўп фазали бирламчяим тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш электромагнит датчигининг иш қобилияти эҳтимоллиги  $P = 0,92$  ни ташкил қилади.

Диссертациянинг «**Кўп фазали бирламчи тоқларни иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчигининг амалий тадқиқлари**» деб номланган тўртинчи бобида реактив қувват манбалари кўп фазали бирламчи тоқларининг датчикларини тузилиш тамойилини, кучланиш кўринишидаги чиқиш сигнал катталиқ ва параметрларини Cloud computing асосида реактив қувват самарадорлиги кўрсаткичлари асосида самарадорлигини тадқиқ этиш натижалари келтирилган.


ҚТЭМли ЭТТларининг реактив қуввати кўп фазали бирламчи тоқлари назорат ва бошқаруви датчигининг тадқиқотлари учун Интернет орқали

тақдим этилаётган Cloud computing хизматларининг умумий кўриниши 7- расмда келтирилган.

Тадқиқотларда Cloud computingни қуйидаги сервис моделлари ва асосий етказиб берувчи провайдерларидан фойдаланилди:

- Software as a servise (SaaC) – хизмат сифатидаги дастурий таъминот.
- Platform as a servise (PaaC) – хизмат сифатидаги платформа.
- Infrastrucche as a servise (IaaC) – хизмат сифатида инфраструктура.

ҚТЭМли ЭТТларининг реактив қуввати кўп фазали бирламчи тоқлари назорат ва бошқаруви датчигининг тадқиқотлар учун Интернет орқали тақдим этилаётган Cloud Computing модели, тадқиқот алгоритми ва дастурий таъминоти ҳисоблаш хизматларининг умумий кўриниши 7.а расмда ва ушбу технология асосида яратилган дастурий таъминотни ҚТЭМли ЭТТда реактив қувват манбаларини бошқарилувчи қувватларини самарадорлигини текшириш ва жорий этиш харажатларини қоплаш муддатини камайтиришда қўлланилувчи маълумотларни киритиш ойнаси 7.б расмда келтирилган.



7-расм. Cloud Computing модели, тадқиқот алгоритми ва дастурий таъминоти технологияси ҳисоблаш хизматларининг умумий кўриниши (а) ва яратилган дастурий таъминотни ЭТТда реактив қувват манбаларини бошқарилувчи қувватларини ҳисоблаш тадқиқоти ойналари (б).



8-расм. Cloud Computing модели, тадқиқот алгоритми ва дастурий таъминоти технологиясига асосида олинган ЭТТ реактив қувват манбаларининг самарадорлигини тадқиқоти натижаси ойнаси.

Тадқиқотлар олиб борилган Cloud Computing модели, тадқиқот алгоритми ва дастурий таъминоти технологиясига асосида олинган ЭТТ реактив қувват манбаларининг самарадорлигини баҳолашнинг тадқиқотини Интернет сайтга кириш манзили [www.reactive-energy.uz](http://www.reactive-energy.uz) бўлиб, у ёрдамида

реактив қувват манбаларини самарадорлиги тўғрисида 8-расмда келтирилган натижа - ойна кўринишида маълумот тақдим этилади.

“Электр таъминоти тизимида реактив қувват манбаларини жорий этиш харажатларини қоплаш муддатини ҳисоблашнинг алгоритми ва дастурий таъминоти” номи билан ЎзР Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтган Cloud Computing модели, тадқиқот алгоритми ва дастурий таъминот ҚТЭМли ЭТТда реактив қувват манбаларини бошқарилувчи қувватларини танлаш, жорий этиш харажатларини қоплаш муддатини камайтириш ва реактив қувват бўйича электр энергия истеъмолини самардорлигини ҳисоблаш имкониятини ўз ичига олган ҳолда тадқиқотлар олиб боришни таъминлаш учун мўлжалланган бўлиб, унинг функционал имкониятлари қуйидагилар билан изоҳланади:

-ҚТЭМли ЭТТда бошқарилувчи реактив қувват манбаларини миқдорини аниқлаш ва жорий этиш харажатларини қоплаш муддатини камайтиришни эътиборга олиш, реактив қувват манбалари ўрнатилмаган ҳолатларда трансформатор ва кабелдаги қўшимча исрофларни аниқлаш, бир йиллик электр энергия иқтисодини ҳисоблаш ва бошқарув тадқиқотлари жараёнида ўзгартирилувчи реактив қувват миқдорларини аниқлаш;

-ҚТЭМли ЭТТда реактив қувват манбаларини жорий этиш самардорлигини таъминлашда реактив қувват катталиқ ва параметрларни комплекс назорат ва бошқарувини ҳисобга олган асосда амалга ошириш.


ҚТЭМли ЭТТ манбаларининг ташқи (а), тажриба қурилмасининг (б) ва датчикнинг тажриба моделининг (в) кўринишлари и 9-расмда келтирилган.



9-расм. ҚТЭМли ЭТТ манбаларининг ташқи (а), тажриба қурилмасининг (б) ва датчикнинг тажриба моделининг (в) кўринишлари

Датчикнинг чиқиш кучланишининг сезиш бўлагини ўрамлар сони  $w_2 = 20$  ўрам бўлганда, бирламчи ўрамлар ва бирламчи тоқларнинг турли

қийматларига боғлиқлигининг назарий ва амалий олинган тавсифлари 10-расмда келтирилган.



10-расм. Датчикнинг чиқиш кучланишининг сезиш бўлагини ўрамлар сони  $w_2 = 20$  ўрам бўлганда, бирламчи ўрамлар ва бирламчи тоқларнинг турли қийматларига боғлиқлигининг назарий ва амалий олинган тавсифлари.

Реактив қувватни етказиб бериш ва истеъмол қилишни тартибга солиш ҚТЭМли ЭТТнинг бошқариладиган кўп фазали ўзгарувчан реактив тоқларига мувофиқ сигнални коммутация қурилмалари – магнит ишга туширгичлар ва тиристорларга етказиб бериладиган таъсирини амалга ошириш кўп фазали бирламчи тоқларни иккиламчи кучланишга ўзгарткич - датчикни қўллаган асосдагина назорат ва бошқариш тавсифининг чизиқлилиги, сигнал ўзгартиришнинг юқори аниқлилиги ва қурилманинг юқори ишончилиги каби техник ва иқтисодий кўрсаткичлари таъминланади.

ҚТЭМли ЭТТ да ишлаб чиқиладиган ва истеъмол қилинадиган реактив қувват манбаларининг кўп фазали бирламчи тоқларни улар томонидан ҳосил қилинадиган магнит оқимларнинг бир вақтнинг ўзида ўзаро таъсирлашувини ҳисобга олган ҳолда назорат ва бошқариш электр энергия катталикларини сифатли ва узлуксиз бўлишини таъминлайди.

## ХУЛОСА

«Қайта тикланувчан энергия манбали электр таъминоти тизимлари реактив қуввати бошқарувининг кўп фазали тоқлари датчикларининг моделлари ва тузилиш тамойиллари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. ҚТЭМли ЭТТда электр энергиясининг реактив қувватини ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш жараёни назорат ва бошқарувининг кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланиш кўринишидаги сигналга ўзгартириш датчигининг тузилиш тамойили яратилди ва бу тамойил датчикларнинг тузилишини такомиллаштириш имконини берди.

2. Реактив қувват манбалари кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчигини магнит юритувчи кучлари ва магнит оқимларининг тарқалиш қонуниятларини тадқиқ этишнинг йиғилган ва

тарқалган параметрли граф моделлари ҳамда ўзгартириш бўлаклари тадқиқотининг математик модели ишлаб чиқилди ва бу тадқиқотларнинг аниқлигини таъминлади.

3. Реактив қувват манбалари ҳосил қилаётган кўп фазали бирламчи тоқларни иккиламчи кучланишга ўзгартириш датчигини тарқалган параметрли граф модели яратилди, модел асосида шакллантирилган аналитик ифоданинг датчикни реал чизиқли чиқиш тавсифларига адекватлиги исботланди ва бу асос датчик ўзгартириш аниқлигини йиғилган параметрли моделга нисбатан 1,8 % га ошириш имконини берди.

4. Кўп фазали бирламчи тоқлар датчиги статик тавсифини чизиқлилиқ мезони бўйича тадқиқ этилиб, датчикнинг сезиш элементининг иккиламчи ўрамлар сони  $w_2=20$  бўлганида бирламчи ўрамлар сонининг чиқиш тоқларидаги турли қийматларида чиқиш кучланишининг ўзгаришларини тажриба ва назарий тадқиқотлар натижалари орасидаги фарқ 3-4 % ни ташкил этиши асосланди.

5. ҚТЭМли ЭТТ реактив қувват манбаларининг кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш электромагнит датчигида содир бўлаётган динамик ўзгаришларни кириш тоқлари, магнит оқимлари ва чиқиш кучланишларининг катталиқларига боғлиқ ҳолда ўзгартирилиши тадқиқида юқламаларнинг инерционлиги  $t = 0,02$  сония бўлганда датчик электр тармоғига уланганда 0,008 - 0,012 сония вақт оралиғида,  $t = 0,04$  сония бўлганда 0,015 - 0,025 сония вақт оралиғида ўзининг турғун ҳолатига эришиши кузатилди, ушбу кўрсаткичлар билан датчик юқори тезликда иккиламчи сигнал ҳосил қилиш имконига эга эканлиги исботланди.

6. Реактив қувват манбаларининг кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш электромагнит датчигининг энтропия хатолиги  $\Delta = 0,41$  яъни  $\pm 0,41$  % бўлиши аниқланди, ушбу асосда датчик аниқлигининг меъёрлаштириладиган қийматини стандартда кўзда тутилган меъёрланган аниқлик синфи 0,5 дан кичик бўлиши таъминланди.

7. ҚТЭМли ЭТТ реактив қувват манбаларининг кўп фазали бирламчи тоқларини иккиламчи кучланишга ўзгартириш электромагнит датчигининг элементларнинг барча мумкин бўлган иш ҳолатларининг эҳтимоллиқлари йиғиндиси асосида датчик элементларининг ишлаш эҳтимоллиги аниқланди ва тўрт элементли датчикнинг иш ҳолати қобилияти эҳтимоллиги  $P = 0,92$  ни ташкил этиши исботланди.

8. ҚТЭМли ЭТТда реактив қувват истеъмоли кўрсаткичларини тадқиқ этиш ва баҳолашнинг Cloud Computing модели, тадқиқот алгоритми ишлаб чиқилди ва улар асосида ишлаб чиқилган [www.reactive-energy.uz](http://www.reactive-energy.uz) Интернет сайт асосидаги дастурий таъминотини амалиётга қўллаш реактив қувват манбаларини уланиш схемаларини танлаш, назорат қилиш, бошқариш ҳамда электр энергия реактив қувватидан самарадор фойдаланишни кўрсаткичларини тезкор баҳолаш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

**АБУБАКИРОВ АЗИЗЖАН БАЗАРБАЕВИЧ**

**МОДЕЛИ И ПРИНЦИПЫ ПОСТРОЕНИЯ ДАТЧИКОВ УПРАВЛЕНИЯ  
МНОГОФАЗНЫХ ТОКОВ РЕАКТИВНОЙ МОЩНОСТИ СИСТЕМЫ  
ЭЛЕКТРОСНАБЖЕНИЯ С ВОЗОБНОВЛЯЕМЫМИ ИСТОЧНИКАМИ  
ЭНЕРГИИ**

05.01.06 - «Элементы и устройства вычислительной техники и систем  
управления»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.1.PhD/T758.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Сиддиков Илхомжон Хакимович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Абдукаюмов Абдурашид**  
доктор технических наук, профессор

**Алиев Равшан Маратович**  
доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Бухарский институт инженерно-технология**

Защита диссертации состоится «12» 06 2020 года в 16<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете (по адресу: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер № 149). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «06» 06 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 5 от «06» 03 2020 года).



**Н.Р. Юсупбеков**

Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор, академик

**У.Ф.Мамиров**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
доктора философии (PhD) по техническим наукам

**Х.З.Игамбердиев**

Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.т.н., профессор, академик

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире большое внимание уделяется совершенствованию контролирующих и управляющих элементов, устройств определяющие строго установленные режимы работ первичных источников энергии систем электроснабжения, которые обеспечивают фиксированные значения и параметры в различных системах преобразования энергии. Для контроля и управления систем электроснабжения с возобновляемыми источниками энергии в развитых странах разработка моделей первичных датчиков тока величин и параметров реактивной мощности электрической энергии считается актуальной, а разработка, исследование и внедрение принципов их построения имеют важное значение в этом направлении.

В мире проводится ряд исследований и научно-исследовательских работ по широкому применению в системах электроснабжения с возобновляемыми источниками энергии, производство, контроль и управление реактивной мощностью и энергией, необходимой для этих источников, в то же время повышая качество электроэнергии и совершенствуя средства и устройства обеспечения бесперебойной работы системы электроснабжения. В связи с этим необходимым является разработка моделей, алгоритмов и программных решений элементов и устройств, обеспечивающих надежные режимы работы систем электроснабжения, количества и качества вырабатываемой электроэнергии, а также контроля и управления первичными токами источников реактивной мощности.

